

КУН МАВЗУЛАРИ

Саида Мирзиёева бошқараётган идора ваколатлари қонун билан мустаҳкамланмоқда

1 соат аввал



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева

Ўзбекистон парламенти қуйи палатаси 4 август куни Президент администрациясининг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ва тузилмасини белгилайдиган конституциявий қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди. Бу ҳақда давлатнинг [ЎЗА ахборот агентлиги хабар берди](#).

Бироқ қонун лойиҳасининг тўлиқ матни жамоатчиликка эълон қилинмаган. Шу боис ҳужжат Администрациянинг амалдаги ваколатларини қонунлаштирадими ёки унга янги ваколатлар ҳам берадими — ҳозирча аниқ эмас.

Қонун лойиҳаси Президент администрациясининг давлат бошқарувидаги ўрнини

илк бор алоҳида конституциявий қонун билан тартибга солишни назарда тутди. Шу пайтгача унинг фаолияти асосан президент фармонлари ва бошқа қонуности ҳужжатлари билан бошқариб келинган.

Ҳужжат Конституциянинг 109-моддасини амалга оширишга қаратилгани айтилмоқда. Мазкур модда Президентга Администрацияни шакллантириш ва унинг раҳбарини тайинлаш ваколатини беради, бироқ ташкилотнинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари қонун билан белгиланишини талаб қилади.

Лойиҳага кўра, Президент Администрацияни шакллантириш, унинг раҳбарини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш ваколатини сақлаб қолади. Қонунда, шунингдек, Администрациянинг тузилмаси, фаолият тамойиллари, давлат идоралари билан муносабатлари ҳамда мансабдор шахслари ва ходимлари учун кафолатлар белгилаб берилади.

Президент администрациясининг давлат идораларидаги комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари билан ҳамкорлик қилишдаги роли ҳам қонун билан мустаҳкамланади.

Парламент муҳокамаларида депутатлар коррупцияга қарши кураш соҳасидаги бу ваколатлар қандай ишлаши ҳақида савол берди. Расмийлар лойиҳада бу масалага алоҳида модда бағишлангани ва Администрация таркибида коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус тузилма фаолият юритишини билдирди.

Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Жаҳонгир Шириновнинг айтишича, лойиҳани ишлаб чиқишда АҚШ, Финляндия, Чехия, Словакия, Руминия, Латвия, Тайван, Қозоғистон ва Туркменистон тажрибаси ўрганилган. Бу мамлакатларда президент администрацияси, канцелярияси ёки офисининг ҳуқуқий мақоми алоҳида қонунлар билан белгиланган.

Расмийларга кўра, қонун давлат органлари ўртасидаги мувофиқлаштиришни яхшилайти ва бошқарув самарадорлигини оширади.

Президент администрацияси аллақачон Ўзбекистондаги энг қудратли давлат институтларидан бири ҳисобланади. У давлат сиёсатини шакллантиришда иштирок этади, кадрлар бўйича қарорларни мувофиқлаштиради, президент топшириқлари ва давлат дастурлари ижросини назорат қилади.

Бу эса Администрациянинг Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва коррупцияга қарши курашувчи мавжуд идоралар ваколатлари билан муносабати қандай белгиланиши ҳақида саволлар туғдиради. Ваколатлар кесишган тақдирда

ҳисобдорликни таъминлайдиган механизмлар ҳам ҳозирча очиқ қолмоқда.

Президент администрациясига Президент Шавкат Мирзиёевнинг катта қизи Саида Мирзиёева раҳбарлик қилади. У бу лавозимга 2025 йил июнида тайинланган.

Таҳлилчиларга кўра, аниқ чегаралар, шаффофлик талаблари ва мустақил назорат механизмлари белгиланмаса, бу институтнинг қонун даражасида мустаҳкамланиши қарор қабул қилиш жараёнининг Президент атрофида янада марказлашишига олиб келиши мумкин.

Ҳужжат кучга киришидан олдин парламентдаги кейинги босқичлардан ўтиши лозим.